

ISSN: 2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ


ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

1-СОН

ЯНВАРЬ, 2023



IMFAKTOR
PAGES



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-1>

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Иқтисодиёт фанлари

СОАТОВ Фарход Комилжон ўғли
*Тошкент молия институти Магистратура
бўлими талабаси*

ДЖУМАНОВ С.А.
*Илмий рахбар. Тошкент молия институти “Бухгалтерия ҳисоби”
кафедраси ўқитувчиси PhD*
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7585568>

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ 9 (МОЛИЯВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАР)НИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАГА ТАЪСИРИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада айни вақтда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикасида фаолият юритиб келаётган корхона ва ташкилотлар ҳамда тижорат банклари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини юритишда амалиётга жорий этишдаги дуч келинаётган муаммолар, шунингдек, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 9 (кейинги ўринларда МХХС 9) (Молиявий инструментлар)ни амалда қўллаган ҳолда тузилаётган ҳисоботлардаги кўрсаткичлар яъни Ўзбекистон Республикасида фаолият юритиб келаётган тижорат банклари мисолида молиявий натижаларига қанчалик таъсир этиши ёритиб берилди.

Калит сўзлар: Молиявий актив, молиявий мажбурият, кутилаётган кредит йўқотишлари, кредит йўқотишлари учун захира, интеграция, молиявий инструментлар, пул оқимлари, соф фойда, кредит портфели, асосий қарз.

ANNOTATION

In the article, at the same time, the problems encountered in the implementation of the international standards of financial reporting in the accounting and reporting of enterprises and organizations operating in the Republic of Uzbekistan and commercial banks, as well as the international standard of financial reporting 9 (hereinafter referred to as IFRS 9) (Financial Instruments) in practice, the indicators in the reports, i.e., how much it affects the financial results of the commercial banks operating in the Republic of Uzbekistan, will be explained.

Keywords: Financial asset, financial liability, expected credit losses, provision for loan losses, integration, financial instruments, cash flows, net profit, loan portfolio, principal amount of the loan.

АННОТАЦИЯ

В статье, в то же время, рассматриваются проблемы, возникающие при внедрении международных стандартов финансовой отчетности в бухгалтерский учет и отчетность предприятий и организаций, действующих в Республике Узбекистан, и коммерческих банков, а также международного стандарта финансовой отчетности 9 (далее - МСФО (IFRS) 9) (Финансовые инструменты) на практике будут объяснены показатели в отчетах, т.е. насколько это влияет на финансовые результаты коммерческих банков, действующих в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: Финансовый актив, финансовое обязательство, ожидаемые кредитные убытки, резерв на возможные потери по ссудам, интеграция, финансовые инструменты, денежные потоки, чистая прибыль, кредитный портфель, основная сумма кредита.

“XXI аср бошларига келиб, жаҳон иқтисодиётида инсоният тараққиётининг аввалги даврларига хос бўлмаган янги тенденциялар вужудга келди. Иқтисодиётнинг маъно-мазмуни тубдан ўзгарди. Жаҳон бозоридаги иқтисодий вазият мураккаблашди, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар табиатида янги ўзгаришлар юз берди. Иқтисодий рақобат ниҳоятда кучайиб, тобора кескин ва шафқатсиз тус олмақда. Бундай вазиятда мамлакатимиз иқтисодиётининг мунтазам такомиллашиб боришини таъминлайдиган механизмларни жорий этиш, барқарор иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ вазифаларни пухта белгилаб олиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Зотан, миллий тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳам шундан иборат”.

Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки мамлакатимиз президенти томонидан олиб борилаётган сиёсатда мамлакат иқтисодиётини кўтариш, уни янада ривожлантириш ва диверсификация қилишга катта эътибор қаратилмоқда, шуларнинг амалий ифодаси сифатида мамлакатимизга чет эллик инвесторларни жалб қилиш, инвестицион жозибадорликни оширишга қаратилган стратегиялар, режалар ва йўл хариталари ишлаб чиқилмоқда. Шунинг билан биргаликда малакатга чет эллик инвесторларни жалб қилиш учун зарур бўлган чора-тадбирлар, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини кўрсатиб берувчи ричагларга эътибор қаратилмоқда, жумладан мамлакатимиз Президенти томонидан 24-февраль 2020-йилдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор қабул қилиниши мамлакатни жаҳон иқтисодиётига интеграция қилишдаги илғор қадам дейиш мумкин. Албатта ташқи инвесторларни жалб қилишда биринчи ўринда мамлакатнинг иқтисодий ресурсларга бойлиги ва арзон ишчи кучи мавжудлиги энг асосий ўзига тортувчи магнитлар дейишимиз мумкин. Лекин ҳар доим ҳам ундай эмас, биламизки дунёда ер ости ва ер усти қазилма бойликларига бой бўлган ва арзон ишчи кучига эга бўлган малакатлар талайгина бироқ уларнинг ҳаммасида ҳам инвесторларни қўллаб қувватлайдиган қулай иқтисодий муҳит мавжуд эмас.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ташқи инвесторларни жалб қилиш учун бор имкониятларни ишга солмоқда ва бу ўз натижасини кўрсатмоқда. Мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнида жаҳон стандартларини амалиётга жорий этиши ва қўллаши муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек юқори даромадли ва истикболли корхона-ташкilotлар ва тижорат банкларининг ўз молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тузишлари ва уларни жаҳон қимматли қоғозлар бозорларида қўйилган акцияларга қизиқиш билдирган инвесторларга тақдим этиш орқали ҳамма учун тушунарли иқтисодий тилда изоҳлаб бериш ташқи инвесторларни жалб этишнинг муҳим бир жиҳати дейишимиз мумкин.

Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида шакллантириш ва молиявий ҳисоботларнинг тўғри ҳамда аниқ маълумотлар манбаи асосида тузилиб уларни дунёда ўз мавқеи ва юқори малакали, профессионал ходимларга эга бўлган аудиторлик компанияларининг хулосаларини олиш бирмунча қийин жараён дейишимиз мумкин. Бунинг сабаблари бир нечта:

- Мамлакатда амалда бўлган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларининг мамлакат қонунчилигига чамбарчас боғланиб кетганлиги;
- Халқаро стандартларни биладиган мутахассисларнинг етарли эмаслиги;
- Халқаро стандартларни ўрганишга қизиқиш билдирувчилар учун ўзбек тилида халқаро стандартларнинг аниқ таржималари ёки муқобил вариантларининг мавжуд эмаслиги;
- Халқаро стандартларга ўтишнинг иқтисодий ва ижтимоий натижалари тўғрисида тасаввурларнинг нотўғрилиги ёки етарли эмаслиги;
- Халқаро стандартларга босқичма-босқич ўтишнинг тўғри ташкил этилмаганлиги;
- Шунингдек халқаро стандартларга ўтишнинг қонуний шарт-шароитлари ишлаб чиқилмаганлиги ва бошқалар.

Юқорида айтиб ўтилганларни бирма-бир таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, биламизки ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият юритиб келаётган корхона, ташкилот ва тижорат банклари барчалари ўз ҳисоботларини миллий қонунчилик доирасида тузадилар ва манфаатдор бўлган давлат органларига жумладан, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Марказий банк ва бошқа манфаатдор шахсларга тақдим этадилар ва бу жараён давлат манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга оширилади.

Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки айнан мамлакатимизда мавжуд бўлган молиявий ҳисоботларни кимларга тақдим этиш ва ҳисоботларни тузиш тартиби миллий стандартларга асосланганлиги қонун билан белгилаб қўйилганлиги дунёнинг бошқа кўпчилик давлатларида ҳам кузатилади. Бу ерда мен шуни айтмоқчиманки, ўша биз айтаётган халқаро стандартларни амалиётга жорий этган давлатлар ҳам авваламбор миллий қонунчиликдан келиб чиқиб ҳисобот тузишни ва тақдим этишни талаб қиладилар. Шунингдек давлат иқтисодий-ижтимоий манфаатдор бўлган корхона-ташкилот ва тижорат банкларига ўз молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тузишга рухсат беради ва қонуний жиҳатдан шарт-шароит яратиб берган.

Бу давлатлар амалиётдан хулосам шуки, ҳар бир давлат ўз иқтисодий-ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб ўзига мос қонунчилик базасига эга ва ҳар доим давлат манфаатлари устун қўйилади, шунингдек давлат бошқаларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда шарт-шароит яратиб бериши керак экан.

Агар юқорида кўрсатилган сабаблар ўз ечимини топадиган бўлса ўйлайманки халқаро стандартларга ўтиш жараёни тезлашади ва самарали натижаларга эришилади.

Мамлакатимиз президенти томонидан “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш” бўйича чиқарилаётган қонун ва қарорлар, шунингдек бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ўзбек тилига таржима қилиш жараёнининг кетаётганлиги бу соҳадаги илдам қадамлар дейишимиз мумкин. “2015-йил 7-декабрда Австрия молия бозори бошқармасининг Интеграциялашган молиявий бозорлар бўлими бошлиғи ўринбосари Давид Грунбергер “Кутилаётган кредит йўқотишлар ҳисоби: молиявий барқарорлик калити?” мавзусидаги мақоласида кутилаётган зарарни ҳисобга олиш асосида янги ИФРС 9 қадрсизланиш қоидаларини жорий қилиш учун ўзининг тасвирий натижаларини тақдим этди.

Унинг фикрича, қадрсизланишнинг янги модели нафақат бухгалтерия ҳисобига тааллуқлидир, чунки у банкларнинг умумий тартибга солиниши, банк капитали ва банк хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатиш орқали, ниҳоят, молиявий барқарорликка ҳам таъсир қилади. Грунбергернинг таҳлиллари қуйидаги хулосаларни олиб келди:

МХХС 9 билан кутилаётган кредит йўқотишлари учун юқори захиралар яратилади ва кўшимча захираларнинг яратилиши эса кредит рискининг салбий ўзгариши туфайли содир бўлиши билан тавсифланади.

Грунбергер таъкидлашча содир бўлмаган кредит йўқотишлар бўйича кутилмалар компания молиявий натижасига даромадлилик нуқтаи назаридан бироз юқори ўзгарувчанликни келтириб чиқаради. Яъни компания ўтган йил кутилаётган кредит йўқотишлари учун катта миқдорда захира яратган бўлса албатта бу компания даромадини табиийки камайтиради, жорий йилда эса компания портфелида кредит риски бўйича ижобий ўзгариш кузатилса бу ўз навбатида кредит йўқотишлари бўйича яратилган захираларнинг қайтишига олиб келади бу дегани ўтган йил компания даромади жуда кам бўлган бўлса бу йил эса юқори даромад билан чиқиши компания молиявий натижаларидаги кескин ўзгаришининг яққол далили дейиш мумкин.

Грунбергер бухгалтерия ҳисобининг олдинги ёндашувлари танқидчиларининг фикрига кўшилиб, бухгалтерия қоидалари аввалгидан кўра кўпроқ бўлиши керак.

Бу ерда прогнозларнинг сифати муҳим бўлади. Унинг таъкидлашича, инвесторлар билан алоқалар даврида, узоқ муддатли кредит йўқотишлари учун яратилган юқори микдордаги захиралар молиялаштириш ҳолатининг гарови дейиш мумкин”.

“9-сонли “Молиявий инструментлар” МҲХСга мувофиқ, кутилаётган кредит йўқотишлари (ECL-Expected Credit Loss) ҳисобот санасида ортиқча харажат ва куч сарфламасдан мавжуд бўлган фойдали ва асосли маълумотларга асосланади. Бу қарз олувчининг ўзига хос хусусиятлари, ўтган даврлардаги иқтисодий-ижтимоий ҳолати, жорий шароитлари ва келажакдаги иқтисодий шароитларнинг прогнозлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади”. Энди эса молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузувчи тижорат банклари мисолида айнан тижорат банклари фаолиятининг катта қисмини эгаллайдиган ва тижорат банклари бухгалтерия ҳисоби амалиётида мавжуд Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандарти 9 (Молиявий инструментлар) стандартини амалда қўллашнинг молиявий натижаларга таъсирини таҳлил қиламиз (1-жадвал).

Ушбу жадвалда Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда фаолият юритиб келаётган тижорат банкларининг 2020 ва 2021 – йиллар МҲХСлар асосида тузган молиявий ҳисоботларидан олинган кўрсаткичлар келтирилган. Жадвалда тижорат банкларининг 2020 ва 2021 – йил яқунлари бўйича ишлаб топилган соф фойдаси ва банklar фаолиятининг асосий қисмини эгалловчи мижозлар учун берилган кредит ва бошқа молиявий инструментларнинг МҲХС 9 асосида ҳисоби юритилиши асносида вужудга келган келгусида кутилаётган кредит қарздорлиги бўйича яратилган зарар суммалари келтирилган.

1 – Жадвал

Т/р	Банklar номи	Молиявий натижа кўрсаткичлари: Йил фойдаси (млн. сўмда)		Кутилаётган кредит йўқотишлари учун яратилган захира (млн. сўмда)	
		2020	2021	2020	2021
1	Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	1,142,798	1,445,434	1,267,568	1,241,528
2	Саноат қурилиш банк	112,124	856,988	1,200,998	420,937
3	Асака банк	211,650	139,885	741,531	599,975
4	Қишлоқ қурилиш банк	81,780	13,372	216,650	446,212
5	Агро банк	51,869	70,610	341,137	760,115
6	Ипак йўли банк	188,707	394,915	168,839	21,349
7	Ипотека банк	405,649	886,781	609,720	591,328
8	Микрокредит банк	27,338	5,095	223,031	435,954
9	Турон банк	10,015	22,030	121,727	148,465
10	Ҳамкор банк	383,003	500,272	99,639	50,555
11	Капитал банк	120,616	364,499	63,929	89,151
12	Orient finans банк	237,036	274,081	16,145	36,812
13	Asia alliance банк	37,566	42,215	45,492	86,100
14	Давр банк	93,133	114,780	9,652	8,000
15	ҚДБ банк Ўзбекистон	68,951	98,016	3,150	-1,072
16	Тенге банк	7,389	52,585	11,838	81,306
17	Trast банк	300,602	433,806	63,811	33,879
18	Invest finance банк	81,138	131,229	33,380	26,537

“Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банкларининг 2020 ва 2021-йиллар яқунлари бўйича молиявий натижа кўрсаткичлари”

1-2 жадваллар маълумотларини таҳлил қилишимиздан олдин МҲХС 9 ҳақида озроқ тушунча бериб ўтамиз. МҲХС 9 2001 йилда иш бошлаган IASB (International Accounting Standards Board – Халқаро Бухгалтерия Стандартлари Кенгаши) томонидан чиқарилган стандартлардан бири бўлган 39-IAS (International Accounting Standards – Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари) ўрнини эгаллаган. Жаҳон иқтисодий инқирозидан олдин, Молиявий ҳисоб стандартлари бўйича кенгаш (FASB- Financial Accounting Standards Board) ва Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши (IASB) бухгалтерия ҳисобида молиявий инструментлар ҳисобини юритиш бўйича тегишли стандартларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича кўшма лойихани бошлаган эди.

2 – Жадвал

Т/г	Банклар номи	Банкнинг МҲХС ҳисоботида кўра умумий кредит портфели миқдори (млн. сўм)		Кредит портфелининг банк умумий активларидаги улуши (%да)		Яратилган захира миқдорининг умумий кредит портфелига нисбатан улуши (%да)	
		2020	2021	2020	2021	2020	2021
1	Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	63,475,675	72,089,675	81.24	81.70	2.00	1.72
2	Саноат қурилиш банк	38,959,958	42,537,051	80.62	76.32	3.08	0.99
3	Асака банк	35,806,386	37,695,638	79.02	76.32	2.07	1.59
4	Қишлоқ қурилиш банк	13,452,953	16,885,058	86.34	84.66	1.61	2.64
5	Агро банк	24,868,630	32,068,653	80.21	81.09	1.37	2.37
6	Ипак йўли банк	4,780,397	6,311,634	69.27	67.80	3.53	0.34
7	Ипотека банк	24,345,221	29,263,226	74.67	72.86	2.50	2.02
8	Микрокредит банк	8,143,820	10,334,249	82.44	80.72	2.74	4.22
9	Турон банк	6,819,483	8,107,596	80.81	75.89	1.78	1.83
10	Ҳамкор банк	7,273,860	9,497,406	70.71	76.01	1.37	0.53
11	Капитал банк	4,679,974	8,051,816	64.91	52.92	1.37	1.11
12	Orient finans банк	3,575,643	3,711,462	69.75	63.64	0.45	0.99
13	Asia alliance банк	1,852,829	1,914,059	63.98	60.25	2.46	4.50
14	Давр банк	1,301,330	2,167,012	73.53	81.95	0.74	0.37
15	ҚДБ банк Ўзбекистон	943,732	1,172,137	15.01	14.99	0.33	0.00
16	Тенге банк	971,385	1,646,536	60.41	49.04	1.22	4.94
17	Trast банк	2,320,789	2,786,412	49.34	40.24	2.75	1.22
18	Invest finance банк	3,208,621	3,731,345	69.55	67.12	1.04	0.71

“Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банкларининг 2020 ва 2021-йиллар яқунлари бўйича молиявий ҳолат кўрсаткичлари”

Юқоридаги жадваллар маълумотларини таҳлил қилишимиздан олдин МҲХС 9 ҳақида озроқ тушунча бериб ўтамиз. МҲХС 9 2001 йилда иш бошлаган IASB (International Accounting Standards Board – Халқаро Бухгалтерия Стандартлари Кенгаши) томонидан чиқарилган стандартлардан бири бўлган 39-IAS (International Accounting Standards – Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари) ўрнини эгаллаган.

Жаҳон иқтисодий инқирозидан олдин, Молиявий ҳисоб стандартлари бўйича кенгаш (FASB- Financial Accounting Standards Board) ва Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши (IASB) бухгалтерия ҳисобида молиявий инструментлар ҳисобини юритиш бўйича тегишли стандартларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича қўшма лойиҳани бошлаган эди.

Жаҳон иқтисодий инқирози молиявий инструментлар учун мавжуд бухгалтерия модели ўзига хос бўшлиқлар ва номувофиқликлар билан бугунги мураккаб иқтисодий муҳит учун етарли эмаслиги ҳақидаги мавжуд ҳолатни исботлаб берди. Жаҳон иқтисодий инқирозидан сўнг молиявий ҳисоботлар тўғри ва аниқ тузиш бутун дунё эътиборининг мавзусига айланди, бунда асосий эътибор бир қатор соҳаларда, жумладан, молиявий инструментларнинг бухгалтерия ҳисоби стандартларини такомиллаштириш заруриятига қаратилди. Натижада, жаҳон капитал бозорларини яхши ишлашни қўллаб-қувватлаш учун кўплаб инвесторлар, ҳисобот тузувчилар ва ҳатто юқори даражадаги бошқарув органлари инвесторларга энг фойдали, шаффофликни таъминлайдиган молиявий инструментлар учун ягона қолиплаган молиявий ҳисобот шаклини ишлаб чиқишни биринчи даражали устувор вазифа сифатида тан олишга чақирди.

Швециялик иқтисодчи PhD Никлас Фрйкстром ва ҳозирда Сверигес Риксбанкда бош иқтисодчи бўлиб ишлаб келётган, асосан банк фаолиятини тартибга солиш, молиявий сиёсат ва таҳлиллари билан танилган Уппсала университетининг Бизнес бошқаруви факультети ўқитувчиси ва тадқиқотчиси томонидан 2018 йилда чиқарилган “Бизнес & Экономисс” журналидаги мақолада янги чиқарилган МХХС 9 ундан олдин қўлланишда бўлган БХХС 39 (Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти) (IAS 39 – International Accounting Standards)да мавжуд бўлган камчиликларни тўлдирганлиги, шунингдек янги стандарт молиявий инструментларнинг таснифланиши, баҳоланиши, кадрсизланиши ва уларни хеджлаш бўйича яхши қўлланма эканлигини, айниқса келажакда молиявий инструмент билан бўлиши мумкин бўлган “Кутиладиган кредит йўқотиши”ни (ECL-Expected Credit Loss) олдиндан ўлчашга ёрдам беришини таъкидлаган.

“Мазкур МХХСнинг мақсади молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга ташкилотнинг келгуси пул оқимларининг суммаси, вақти ва ноаниқлигини баҳолаш учун ўринли ва фойдали маълумот тақдим этадиган молиявий активларни ва молиявий мажбуриятларни молиявий ҳисоботда акс эттириш тамойилларини белгилашдан иборат”.

Биз юқорида таҳлил қилмоқчи бўлганимиз банкнинг молиявий натижасига кутилаётган кредит зарарлари қанчалик таъсир этиши, унинг оқибатлари ва қандай ҳолларда вужудга келишидир. “Кутилаётган кредит зарарлари молиявий инструментнинг кутилаётган амал қилиш муддатида кредит зарарларининг (яъни барча пул маблағлари келиб тушмаслигининг дисконтланган қиймати) эҳтимоллик асосидаги баҳоланишидир. Пул маблағларининг келиб тушмаслиги бу шартнома бўйича ташкилотга келиб тушиши лозим бўлган ва ташкилот келиб тушишини кутаётган пул оқимлари ўртасидаги фарқ ҳисобланади.

Кутилаётган кредит зарарлари тўловларнинг вақти ва суммасини ҳисобга олганлиги сабабли, кредит зарарлари ташкилот тўлиқ тўланишини кутаётган лекин шартнома муддатидан кечиккан ҳолда амалга ошириладиган ҳолда ҳам юзага келади”. Шунингдек кутилаётган кредит зарарларининг вужудга келишида ва ортишида молиявий активларнинг кадрсизланиши туфайли вужудга келади.

Агар бир ёки бир нечта ходисалар молиявий активнинг келгуси пул оқимларига салбий таъсир кўрсатса, молиявий актив кредит қиймати кадрсизланган ҳисобланади. Молиявий активни кредит қиймати кадрсизланганини кўрсатадиган далиллар қуйидаги ходисалар бўйича кутиладиган маълумотларни ўз ичига олади:

- а) эмитент ёки қарздорнинг молиявий аҳволи аҳамиятли ёмонлашуви;
- б) шартноманинг бузилиши, масалан, дефолт ёки тўлов муддатининг кечикиши;
- с) кредитор томонидан қарздорларга иқтисодий ёки шартнома асосларида қарздорнинг молиявий аҳволи ёмонлашуви сабабли, бошқа ҳолатда берилмайдиган енгилликлар бериши;
- д) қарздор банкрот бўлиши ёки бошқача молиявий қайта ташкил этилиши эҳтимолини юзага келиши;
- э) ушбу молиявий актив учун молиявий қийинчиликлар сабабли фаол бозорнинг йўқолиши; ёки
- ф) кўрилган кредит зарарларини акс эттирувчи молиявий активни катта чегирмада сотиб олиш ёки яратиш.

Айрим ҳолатларда ягона аниқ ҳодисани аниқлаш имкони бўлмайди, балки молиявий активнинг кредит қадрсизланиши бу бир нечта ҳодисаларни бирлашган натижаси бўлади. Берилган таърифлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, МҲХС 9нинг асосий моҳияти ва ўзидан олдинги 32-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (Молиявий инструментлар: Тақдим этиш) ўрнига чиқиши бу стандартдан ажратиб турадиган фарқли жиҳати унда компаниянинг молиявий инструментларидан келажакда кутиши мумкин бўлган зарарларни ҳисобга олиши керак эканлигини назарда тутишидир.

Шундай қилиб, юқоридаги жадвалларда мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг 2020 ва 2021-йиллардаги молиявий ҳисоботларидан олинган маълумотлар таҳлил қилинган, унда асосан банкнинг йил якуни билан эришган фойдаси ва ўша йил якуни билан келажакда кутилиши мумкин бўлган кредит йўқотишлари бўйича яратилган захиралар суммаси келтирилган.

Мисол учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 2020 ва 2021-йиллар якуни билан 1,142,798 ва 1,445,434 миллион сўм соф фойда билан чиққан бўлса, шунингдек, банкнинг молиявий ҳисоботида кўра 2020 ва 2021-йилларда банкнинг умумий активларининг 81.24 ва 81.70 фоизини яъни 63,475,675 ва 72,089,675 миллион сўмни ташкил қилувчи кредит портфелига нисбатан келажакдаги кредит йўқотишларга нисбатан яратилган захира суммалари 1,267,568 ва 1,241,528 миллион сўмлар ҳам соф фойданинг ишлаб топилишига жуда катта таъсир кўрсатган, тасаввур қилинг агар шу 2020 ва 2021-йиллар учун яратилган захиралар ҳисобга олинмаганда ёки яратилмаганда банкнинг фойда солиғини чегиргандан кейинги соф фойдаси деярли 2 триллион сўмдан ошар эди.

Бундан келиб чиқадики яратилган захира соф фойдага тўғридан тўғри таъсир этар экан, бунинг яққол кўринишини Саноат Қурилиш Банк (кейинги ўринларда СҚБ) молиявий натижаларида кўриш мумкин. СҚБ 2020 ва 2021-йиллар якунлари бўйича 112,124 ва 856,988 миллион сўм соф фойдага эришган бўлса, шу йиллар учун яратилган захира эса 1,200,998 ва 420,937 миллион сўмни ташкил қилмоқда, бу суммалар банк умумий активларининг 80.62 ва 76.32 фоизини ташкил қиладиган кредит портфелига нисбатан 2020 ва 2021-йилларда 3.08 ва 0.99 фоизни ташкил этмоқда. Бундан кўринадики СҚБ 2020-йилни камроқ соф фойда билан лекин яратилган катта захира миқдори билан якунлаган. 2021-йилда эса соф фойда кўрсаткичида салмоқли ўсиш кузатилган, бундан кўринадики 2020-йилда яратилган захира 2021-йилда кредит портфелидаги ижобий ўзгариш туфайли қайтгани ва соф фойда кўрсаткичига яхши таъсир этганини кўришимиз мумкин. Кредит портфелидаги ижобий ўзгариш деганда биз юқоридаги таърифларга асосан кредит асосий қарзи ва унинг фоизини шартномада кўрсатилган вақт ва миқдорларда қайтиши билан изоҳлашимиз мумкин. Шундай қилиб хулоса ўрнида шуни айтишим мумкинки, биз юқорида кўриб ўтган молиявий натижа кўрсаткичларидаги ўзгаришлар шу жумладан соф фойдага яратилаётган захира миқдорининг салбий таъсири бир қарашда молиявий ҳисобот манфаатдор фойдаланувчиларида салбий ёки нотўғри таасурот уйғотиши турган гап, лекин шуни унутмаслигимиз керакки яратилаётган захира кўриб турганимиздек кейинги йили қайтмоқда, бу дегани қайсидир йил кўпроқ захира яратилса, қайсидир йил камроқ бўлиши мумкин албатта бу кредит портфелининг мавжуд ҳолатига боғлиқ бўлади.

Албатта кейинги йилларда портфельдаги ижобий ўзгаришлар туфайли захираларнинг қайтиши ва соф фойда кўрсаткичини яхшилаш билан изоҳланади.

Яратиладиган захирани биз биринчи навбатда компания активларининг ҳисобот санасидаги соф қийматини кўрсатиш билан изоҳласак, иккинчидан яратиладиган захира компания учун “хавфсизлик ёстиқчаси” вазифаси бўлиб хизмат қилади дейишимиз мумкин, бу дегани компания қайсидир молия йилини салбий натижа билан якунлаган тақдирда кичик инкирозларни енгиллаштиришга ва осонгина енгиб ўтишга ёрдам беради ва компанияни бирданига банкротлик ёқасига келиб қолишдан қайтаради.

ИҚТИБОСЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги 4611-сонли қарори.

2. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”:-Т:“Ўзбекистон”.2022-й.418-б.

3. Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: Дарслик. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2019 й. - 584 б.

4. Норбеков Д.Э., Тўраев А.Н., Рахмонов Ш.Ш. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент: “Иқтисод-молия, 2019 й. -329 б.

5. Эргашева Ш.Т., Учебник «Международные стандарты финансовой отчетности» –Т.: ТГЕУ, 2020 г.- 307 стр.

6. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 9 Молиявий инструментлар (IFRS 9 – International Financial Reporting Standart). IFRS Foundation 2022

7. The manual of Accounting – IFRS 2019. The Global Accounting Consalting Servisces team of PricewaterhouseCoopers LLP 2019.

8. www.mf.uz

9. www.lex.uz

10. www.ifrs.org

11. www.cbu.uz

12. www.mhxs.edu.uz

13. www.investopedia.com

14. Тижорат банклари сайтлари.

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz



**IMFAKTOR
PAGES**